

ЎзРВБнинг 2022 йил “31” март даги  
12 -сонли фармойишига  
1-Илова

“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
ЎзРВБ Бош директори  
Р.Р. Усманов

“ 31 ” 03 2022 й.

**“Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖнинг  
харид комиссияси тўғрисида  
Низом**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига (бундан буён матнда Қонун деб юритилади) ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда 3016-сон билан рўйхатга олинган “Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомга (бундан буён матнда Низом деб юритилади) мувофиқ “Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖ (бундан буён матнда ЎзРВБ деб юритилади) харид комиссиясининг (бундан буён матнда Харид комиссияси деб юритилади) асосий мақсад ва вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фаолиятини ташкил этиш тартиби ва энг яхши таклифларни танлаш тартиб-таомилларини белгилайди.

2. Мазкур Низомда куйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**давлат буюртмачиси** (бундан буён матнда буюртмачи деб юритилади) – давлат харидларини амалга оширувчи ЎзРВБ;

**давлат харидлари** - буюртмачининг товарларга (ишларга, хизматларга) бўлган эҳтиёжларини пулли асосда таъминлаш жараёни;

**давлат харидлари ижрочиси** (бундан буён матнда ижрочи деб юритилади) - харид қилиш тартиб-таомиллари якунлари бўйича ғолиб деб топилган ва у билан шартнома тузилган иштирокчи.

**дастлабки малака танлови** - харид қилиш ҳужжатларида белгиланган техник, иқтисодий, ташкилий ва бошқа ўзига хос хусусиятларга мувофиқ бўлган харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказишга қўйиладиган малакали харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларини танлаб олишнинг харид комиссияси томонидан ўтказиладиган тартиб-таомили;

**харид иштирокчиси** (бундан буён матнда иштирокчи деб юритилади) - қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда харид қилиш тартиб-таомилида давлат харидларини ижро этиш учун талабгорлар сифатида иштирок этаётган Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари;

**харид иштирокчисининг аффилланган шахси** - қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган ва (ёки) харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси томонидан қарорлар қабул қилишга таъсир кўрсатадиган, шу жумладан ёзма келишув асосида таъсир кўрсатадиган жисмоний ёки юридик шахс, шунингдек харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчисига нисбатан шундай ҳуқуққа эга бўлган жисмоний ёки юридик шахс;

**эълон** - давлат харидларини амалга ошириш усули, талаблари ва шартлари, таклифларни тақдим этиш муддатлари ҳамда тартиби кўрсатилган, махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимида буюртмачи томонидан жойлаштириладиган бўлажак давлат харидлари тўғрисидаги ахборот;

**энг яхши таклифларни танлаш** - харид қилиш тартиб-таомилларининг бир нечта иштирокчисидан олинган таклифларни таққослаш асосида давлат харидларини амалга оширишнинг рақобатли усули;

**ғолиб** - харид қилиш тартиб-таомиллари яқунларига кўра таклифи энг мақбул деб топилган харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси;

**захирадаги ғолиб** - харид қилиш тартиб-таомиллари яқунлари бўйича харид комиссиясининг қарорига мувофиқ ғолибнинг таклифидан кейинги энг мақбул таклифни тақдим этган деб топилган харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси.

## **2-боб. Харид комиссиясининг асосий мақсад ва вазифалари**

3. Харид комиссияси ишининг асосий мақсади харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларининг таклифларини ЎзРВБ буюртмасига мувофиқлиги даражаси бўйича холис баҳолашдан ва тартибга солишдан ҳамда давлат харидлари рақобатлашув усуллари орқали амалга оширилганда ғолибни (ғолибларни) танлашдан иборат.

4. Харид комиссияси куйидаги вазифаларни бажаради:

а) харид қилиш ҳужжатларини келишади;

б) таклифлар қабул қилиш муддатларини белгилайди;

в) таклифларни очиш тартиб-таомилларини белгилайди;

г) таклифларни баҳолаш мезонларини ва усулларини белгилайди;

д) зарур бўлганда таклиф киритиш тартибини, ҳажмини ва уни таъминлаш шаклини белгилайди;

е) харид қилиш тартиб-таомили иштирокчиларининг таклифларини очишни амалга оширади;

ё) дастлабки малака танловини ўтказиши, агар харид қилиш ҳужжатлари шартларида бу назарда тутилган бўлса;

ж) зарур бўлганда дастлабки малака танлови натижаларини ҳисобга олган ҳолда қарор қабул қилади;

з) зарур бўлганда баҳолаш гуруҳини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилади;

и) харид қилиш тартиб-таомилларини Қонунга мувофиқ амалга оширади;

й) харид қилиш тартиб-таомилларининг рақобатлашув турлари ғолибни ва зарур бўлганда захирадаги ғолибни белгилайди ёки савдони амалга ошмаган деб топади.

## **3-боб. Харид комиссиясининг таркиби ва уни тузиш тартиби**

5. Харид комиссияси ЎзРВБда доимий фаолият кўрсатадиган, ЎзРВБ Бош директорининг тегишли буйруқлари билан шакллантириладиган ва тарқатиб юбориладиган, харид қилиш тартиб-таомиллари ғолибни танлаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ваколатига эга бўлган коллегиял органдир.

6. Харид комиссияси тоқ сонли аъзолардан (камида беш нафар аъзодан) иборат таркибда тузилади, унинг аъзолари таркиби ва сони олинаётган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) хусусиятларини инобатга олган ҳолда ўзгартирилиши мумкин.

7. Харид комиссияси, зарур ҳолларда, хулоса бериш учун махсус билимларга эга бўлган жисмоний шахслар (экспертлар) жалб этилган ҳолда шакллантирилиши мумкин. Жалб этилган экспертлар Харид комиссияси мажлисларида овоз бериш ҳуқуқига эга бўлади.

8. Харид комиссиясининг ишига раис раҳбарлик қилади ва у ўз вазифалари доирасида куйидагиларни бажаради:

а) Харид комиссияси мажлисларини чақиради ва олиб боради;

б) овозга қўйишни ва Харид комиссияси томонидан қабул қилинган қарорларни эълон қилади;

в) Харид комиссияси мажлисларининг баённомаларини имзолайди.

9. Харид комиссияси раиси йўқлигида унинг вазифалари комиссияси қарори билан комиссия аъзоларидан бирининг зиммасига юклатилиши мумкин.

10. Харид комиссиясининг тезкор фаолиятини унинг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмаган масъул котиби ташкил этади.

11. Харид комиссиясининг мажлислари харид комиссияси аъзолари ҳозирлигида юзма-юз ўтказилади. Юзма-юз мажлислар видеоконференциялар (телеконференциялар ва ҳоказо) шаклида ўтказилиши мумкин.

12. Харид комиссияси энг яхши таклифларни танлашни электрон шаклда ўтказиш чоғида ахборот-коммуникация технологиялари воситаларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб овоз бериш ҳуқуқига эга.

13. Харид комиссияси қарори харид комиссияси аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

14. Харид комиссиясининг ҳар бир аъзоси овоз беришда ёқлаб овоз бериши, қарши овоз бериши ёки унда иштирок этишдан бош тортиши мумкин. Харид комиссиясининг раиси овоз беришда иштирок этишдан бош тортиш ҳуқуқига эга эмас.

15. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда харид комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи овоз бўлади.

16. Харид комиссияси аъзоларида харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари билан аффилиланганлик хусусиятига эга алоқалар мавжуд бўлган тақдирда, харид комиссиясининг бундай аъзоси бу масала кўриб чиқилган мажлисда ўзини ўзи рад этиши ва мазкур масала бўйича овоз беришда иштирок этмаслиги керак, бу ҳақда харид комиссияси мажлисининг баённомасида қайд этилади.

17. Агар харид комиссиясига мазкур комиссия аъзосининг аффилиланганлиги мавжудлиги тегишли масала юзасидан қарор қабул қилингунига қадар маълум бўлиб қолган бўлса, унинг ўзи эса ўзини ўзи рад этмаган бўлса, бундай аъзонинг мазкур масала бўйича овоз беришига йўл қўйилмайди.

18. Агар харид комиссиясига тегишли масала бўйича овоз берган мазкур комиссия аъзосининг аффилиланганлиги мавжудлиги қарор қабул қилинганидан кейин маълум бўлиб қолган бўлса, бундай аъзонинг овози мазкур масала бўйича овоз бериш натижаларидан чиқариб ташланади.

#### **4-боб. Харид комиссияси томонидан энг яхши таклифларни танлаш тартиб-таомиллари**

19. Харид комиссияси томонидан энг яхши таклифларни танлаш тартиб-таомилларини ўтказиш Қонун ва Низом тартиб-таомиллари ва талабларига мувофиқ электрон шаклда амалга оширилади.

20. Энг яхши таклифларни танлаш тартиб-таомилларини ўтказиш масаласида ташаббускор таркибий бўлинма раҳбари ёки ташаббускор ижрочи танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлар (харид қилиш бўйича билдиришнома, танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларининг, шартнома ва танлаш бўйича харид қилиш ҳақидаги эълоннинг матни)ни кўриб чиқиш учун Харид комиссиясига киритади.

Бунда, танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларининг, шартнома ва танлаш бўйича харид қилиш ҳақидаги эълоннинг матни ташаббускор таркибий бўлинма раҳбари ёки ташаббускор ижрочи томонидан ишлаб чиқилади. Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари ишлаб чиқиладиганда, заруратга кўра, Юридик хизмат томонидан ҳуқуқий кўмак кўрсатилиши мумкин.

21. Танлаш бўйича харид қилиш тўғрисидаги эълонда ва танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида қуйидаги ахборот ва маълумотлар бўлиши керак:

а) Эълонда:

товарнинг (ишнинг, хизматнинг) батафсил тавсифи ва бошланғич нархи;

танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили;

иштирокчиларга қўйиладиган талаблар (тегишли лицензияларга эгаллиги, ташкилот ва мутахассисларнинг иш тажрибаси, тегишли сертификатларга эгаллиги ва бошқалар);

ЎзРВБнинг иштирокчилар билан боғланиш учун алоқа боғловчи шахслар сифатида белгиланган бир ёки бир нечта мансабдор шахсларининг ёки бошқа ходимларининг фамилияси, исми, шарифи, лавозими ва манзили;

иштирокчилар томонидан таклифлар бериш муддати тугайдиган сана ва вақт;

таклифни расмийлаштиришга доир талаблар.

Танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълон ва (ёки) танлашда иштирок этиш учун таклиф қонунчиликка зид бўлмаган бошқа ахборотларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

б) Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълонда кўрсатилган ахборот;

ижрочилар билан ҳисоб-китобларни шакллантириш учун фойдаланиладиган валюта, тўлов тартиби ва етказиб бериш шартлари ҳақидаги ахборот;

танлашда иштирок этиш учун таклифни давлат тилида ва, заруриятга қараб, бошқа тилларда тайёрлаш мажбурийлиги тўғрисидаги талаб;

иштирокчиларга танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари қоидаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тартиби, тақдим этиш муддати бошланадиган ва тугайдиган сана;

техник топшириқ;

иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш мезонлари ва кўриб чиқиш тартиби;

танлаш иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этиш мажбурийлиги ҳақидаги талаб.

22. Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида буюртмачи ҳар бир товар (иш, хизмат) харид қилиш тартиб-таомилининг алоҳида бирлиги сифатида кўриб чиқилишини эълон қилиши мумкин. Бундай ҳолда буюртмачи турли товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб бериш учун танлашнинг бир нечта иштирокчиси билан шартномалар тузиши мумкин, бунда ҳар бир товар (иш, хизмат) учун фақат битта ғолиб аниқланиши мумкин. Ҳар бир товар (иш, хизмат) учун ғолиб харид қилиш тартиб-таомилининг шартларига кўра алоҳида-алоҳида аниқланади.

23. Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларига уларнинг ажралмас қисми бўлган шартнома лойиҳаси илова қилинади.

24. Буюртмачи харид комиссияси билан келишилган танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларини тасдиқлайди.

25. Танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълон ва танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари буюртмачи томонидан таклифларни қабул қилиш муддати тугайдиган санадан камида беш иш куни олдин махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимига, шунингдек, буюртмачининг хоҳишига кўра - ўзининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

26. Буюртмачи харид комиссияси билан келишилган ҳолда танлашда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан бир иш кунидан кечиктирмай танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Бунда ушбу танлашда таклифларни тақдим этишнинг тугаш муддати камида уч иш кунига узайтирилади. Шу билан бирга, эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади. Товарларни (ишларни, хизматларни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

27. Энг яхши таклифларни танлаш тартиб-таомилини ўтказиш жараёни ва унинг натижалари Харид комиссияси баённомаси билан расмийлаштирилади ва имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичида давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштирилади.

28. Суммаси бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик баравари миқдоридан ошмайдиган танлаш харид комиссиясининг иштирокисиз ўтказилиши мумкин (бирок, бир молия йилида буюртмачи учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир минг баравари миқдоридаги суммадан кўп бўлмаслиги керак). Бунда ғолиб буюртмачи томонидан танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълонни жойлаштирамасдан, очиқ ахборот манбаларидан олинган нархларни солиштириш йўли билан ёки товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) потенциал етказиб берувчиларидан нархларни сўраш йўли билан аниқланади. Расмийлаштирилган ҳужжатлар, тузилган шартномалар ва уларга доир қўшимча келишувлар тўғрисидаги ахборот улар расмийлаштирилган ёки тузилган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай буюртмачи томонидан махсус ахборот порталида жойлаштирилади.

## 5-боб. Харид комиссиясининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

29. Харид комиссиясининг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

- а) Энг яхши таклифларни танлаш тартиб-таомилларини белгиланган тартибда ташкиллаштириш, ўтказиш шартлари ва шакллари белгилаш;
- б) Танлаш таклифларини малакали танлаб олиш ва баҳолаш мақсадида, шу билан бирга, зарурият туғилганда, бозор конъюнктурасини таҳлил қилиш учун ишчи гуруҳлар ташкил этиш;
- в) Зарур ҳолларда, Харид комиссияси йиғилишларида қатнашиш учун ихтисослашган экспертларни жалб этиш;
- г) Қарор қабул қилиш учун зарур бўлган қўшимча маълумотларни, шунингдек, танлаш иштирокчиларининг молиявий аҳволига тегишли маълумотларни талаб этиш;
- д) Харид комиссияси танлаш таклифларини тақдим этиш муддати тугагунга қадар танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчаларни, улар тўғрисида танлаш иштирокчиларини хабардор қилган ҳолда, киритиши мумкин, зарур ҳолларда, танлаш иштирокчилари томонидан танлаш таклифларига ўзгартиришлар киритиш учун танлаш таклифларини тақдим этиш муддатини етарлича узайтириш;
- е) Талаб этилган маълумотларни тақдим этмаган танлаш иштирокчиларининг таклифларини рад этиш.

30. Харид комиссиясининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

- а) Харид комиссияси қарорларни ўз вақтида расмийлаштириш;
- б) Харид комиссияси қарори бўйича расмийлаштирилган баённомаларни шартномалар тузиш учун ўз вақтида ЎзРВБ таркибий бўлинмаларига тақдим этиш;
- в) Танлаш иштирокчиларидан қабул қилинган маълумотларни бошқа шахсларга ошкор қилмаслик;
- г) Харид комиссияси мажлисларида қабул қилинган қарорларнинг ўз вақтида бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш.

31. Харид комиссияси аъзолари холис бўлиши ва харид қилиш тартиб-таомили ҳолибини танлашдан шахсан манфаатдор бўлмаслиги керак.

32. Харид комиссияси ижрочини аниқлаш тартиб-таомиллари давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги, ўзи қабул қилаётган қарорларнинг асослилиги ва беғаразлиги учун жавобгар бўлади.

33. Харид комиссияси давлат харидларининг бошқа субъектлари томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар учун жавобгар бўлмайди.

## 6-боб. Харид комиссияси фаолияти ҳақида ҳисобот топшириш

34. Қабул қилинган қарорлар бўйича Харид комиссияси котиби ҳар бир чорак якуни бўйича кейинги чорак бошининг 5-санасигача Харид комиссияси раисига ёзма равишда ҳисобот беради.

35. Ҳар йил якунида эса Харид комиссияси Раиси ўзи раҳбарлик қилаётган Харид комиссияси фаолияти бўйича ЎзРВБ Бош директорига ҳисобот беради.